

## КАСБИЙ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР ЁНДАШУВНИ ҚЎЛЛАШ МОҲИЯТИ

**Г. И. Мухамедов**

Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

**Ш. Қ. Мардонов**

Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда замонавий таълимнинг ривожланишида кластер ёндашувни қўллашнинг аҳамияти ва ўрни тўғрисида фикрлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** кластер ёндашув, синергетик ёндашув, педагогик шериклик, ҳамкорлик, кластер субъектлари.

## THE IMPORTANCE OF APPLYING A CLUSTER APPROACH IN VOCATIONAL EDUCATION

**G. I. Mukhamedov**

Professor of Chirchik State Pedagogical Institute

**S. K. Mardonov**

Professor of Chirchik State Pedagogical Institute

### ABSTRACT

The article discusses the importance and role of the cluster approach in the development of modern education in Uzbekistan.

**Keywords:** cluster approach, synergetic approach, pedagogical partnership, collaboration, cluster subjects.

### КИРИШ

Замонавий таълимнинг ривожланиш тенденцияларини кластер ёндашувисиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон таълимида кластер тушунчасининг пайдо бўлганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, лекин бу муҳим

воқелик таълим-тарбия тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бормокда.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кластер назариясининг асосчиси Гарвард университети профессори Майкл Портер ҳисобланади. Унинг “Конкуренция” номи билан босилиб чиққан китоби рақобатбардошлик стратегик концепциясига бағишланган. Муаллифнинг таъкидлашича, кластер - томонларнинг иқтисодни кўтаришдаги ҳаракатлари (консолидацияси) бирлашуви шаклидир[1]. М.Портернинг фикрига кўра, кластернинг мувоффақиятли ривожланиши барқарор ривожланиш стратегиясининг мавжудлигига боғлиқ[2].

Кластер деб, маълум тизим тушунилади, аммо бу тизим ўзига хос бўлиб, бунда унга қўшилган элементлар ушбу тизимнинг ишини яхшилайти, бироқ ундан бирон элементнинг чиқиб кетиши бу тизимнинг бузулишига олиб келмайди. Кластер тизимларига унумдорлик, барқарорлик хос ҳамда у асон замонавийлаштирилиши, янгиланиши ва турли воситаларда кучайтирилиши мумкин. Кластернинг афзаллиги унинг глобал масштабга эгаллиги, очиклиги, эгилувчанлиги ва бошқарувининг соддалигидадир.

Кластерлар кўпомилли фойдаланишга мосланган тизимларда шаклланади. Унинг таркибига турли, гоҳида бир-бирига қарама-қарши тузилмалар ҳам бирлашиши мумкин, аммо бу оддий бирлашиш бўлмай сифат жиҳатидан янги тизим бўлиб шаклланади [3].

Кластер ўзаромуносабатларига нафақат тизимлилик аломатлари, балки синергетиклик ҳам хосдир. Синергетик ёндашув - бу фаол ривожланувчи методологик ёндашув бўлиб, унда ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини ўзи жорий этиш, ўзини ўзи ташкиллаштириш каби ғоялар устуворликка эга. Синергетика ўзини ўзи ташкиллаштириш, пайдо қилиш механизмларини асослайди, яъни табиатда ўз ўзидан пайдо бўлиш, барқарор мавжуд бўлиш, микроскопик тартибланган тузилмаларнинг ўзини ўзи йўқ қилиши [3] кабилар тушунилади. Бошқарувда ўзини ўзи ташкиллаштириш хусусияти, шу жумладан таълимда ҳам, муҳим роль ўйнайти. Синергетиканинг шу каби қонуниятларини билиш, касбий педагогик таълим тизими ўқитиш жараёнининг сифат ўзгаришларига олиб келади.

Ташқи таъсирда пайдо бўладиган содда тизимлардан фарқли ўлароқ, кластер тизими асосан ички ресурслар ҳисобидан ишлайти. Кўп ҳолларда кластер деб, турдош элементларнинг бирлашувига айтилади, унда улар мустақил бирлик сифатида ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Ахборот

технологиялари соҳасида қўлланилиб келинган “кластер” атамаси кейинги вақтларда иқтисодда “концерн”, “холдинг” атамалари ўрнида кенг қўлланила бошлади ва ундан педагогика тизимига ҳам кириб келди.

Педагогикада [4] – “илмий-таълимий кластер деб, касбдошлар томонидан бажарилган лойиҳалар, тадқиқотлар, ишланмалар ва публикациялар “тўплами” тушунилади. Таълимий кластер деб, эса “иш берувчилар ҳамда таълим муассасаларининг муфассал, универсал комплекс дарстурлари” тушунилади. Мактаб кластери: “Таянч мактаблари ҳар бир кластерда ўзларининг педагогик шеригига (партнёрига) эга – бу спутник мактаблари..., мактабгача таълим муассасалари..., бу ижтимоий ҳамкорлар – ОТМлар, библиотекалар, музейлар, оммавий ахборот воситалари...” ва б.

Касбий педагогика [5] – “Кластер деб, махсус ташкиллаштирилган маданий-таълимий тизим, ўзаробоғлиқ таълимий, маданий, илмий, инновацион, ижтимоий, технологик, ишлаб чиқариш ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ўзаро алоқалари” тушунилади.

Замонавий адабиётларда педагогик кластер тушунчаси ҳам мавжуд. Бу тушунча қуйидагиларни билдиради: таълим самарадорлигини кўтариш мақсадида манфаотдор томонлар ҳаракатининг бирлашув шакли; жамоани психологик ўрганиш методи; педагогик бошқарувни оптималлаштириш методи; ўқув дастурларини лойиҳалаш методи; ўқитиш методи; таълим сифатини баҳолаш методи; педагогик метод, яъни тафаккур вариативлигини риводлантиради, ўрганилаётган мавзу (тушунча, воқеа, ҳодиса) юзасидан ҳар томонлама алоқа ўрнатиш қобилияти кабилар.

Кластер ёндашувга мурожаат қилишга зарурият – кластернинг касбий таълим тизимининг самарадорлигини ошириш, манфаотдор томонлар ҳаракатини бирлаштириш хусусиятига эга ташкиллаштириш шакли сифатида устуворликка эгалигидадир. Кластер ёндашувнинг таълимни ривожлантириши деганда, кластер субъектларининг ўзаро- ва ўзини ўзи ривожлантириш тушунилади, яъни “муаммо устида ишлаш жараёнида” ҳамкорларнинг (алоҳида қатнашчилар ҳамда тўлиқ кластер иштирокчиларининг) барқарор ривожланиши [6] тушунилади (Т.И.Шмакова бўйича).

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Демак, кластер – бу умуммақсад йўлида бирлашган иштирокчи субъектларнинг маълум шартнома муносабатларидаги роли ҳамда улар фаолиятини бошқаришдир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, кластер ёндашувнинг қуйидаги таянч компонентларини санаб ўтамиз:

- умумий мақсад мавжудлиги;
- субъектларнинг биргаликдаги фаолиятлари ҳуқуқий асосларининг мавжудлиги;
- кластерда бирлашган субъектлар ўзаро ҳаракатлари механизмларининг ишлаб чиқилганлиги;
- кластер ёндашувини амалиётга жорий қилиш муҳимларининг бошқариливи;
- кластер ёндашувни жорий қилиш технологияларининг умумий мақсадлар билан мослаштирилганлиги.

Демак, таълим кластерида марказий ўринни умумий мақсад эгаллайди. Бу ўқув жараёнини биргаликда лойиҳалашда кўринади ҳамда битирувчиларнинг касбий компетенциясининг шаклланишини таъминлайди. Кластер ёндашув ҳамкорлик, партнёрлик тизими орқали амалга оширилади, бунда таълим муассасаларининг мақсадлари, қизиқишлари, фаолият ва имкониятлари меҳнат бозорининг барча субъектлари, унинг истиқболлари ҳамда касбий таълимнинг ҳудудий бошқарув органлари интеграцияси асосида амалга оширилади. [7]

Таълим масканлари ўз мақсадларини амалга ошириш учун кластерга эркин бирикади ва ҳамкорлик қилади. Кластер [8], мутахассисларнинг фикрига кўра, бу муҳит бўлиб, унда ҳар бир ОТМ, педагог ёки иш берувчи бошқа ОТМ, педагог ёки иш берувчи билан биргаликдаги фаолиятида ҳамкорлик қилиши мумкин: ғоялар алмашинувида, захираларини биллаштиришда, инновацион интеллект (аклий) маҳсулотларни яратишда ва б.

Таълим кластерида бундай ҳамкорлик нафақат ижтимоий партнёрларнинг таркибий бирлиги тизимига бирикади, балки шахннинг ўз-ўзини ўқитиш, ўзини ўзи тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш каби интилишларини қаноатлантиради. Психологияда кластердан фойдаланиш [9] кишиларнинг ўз-ўзини баҳолаш, ўзини ўзи адекватлигини баҳолаш гуруҳларини аниқлаш имконини беради.

Педагогик ва ахборот технологиялари интеграцияси жараёнида кластер таҳлилини қўллаш орқали таълим ва тарбия жараёнларида оптимал педагогик ечимларни прогноз қилиш имконига эга бўлди.

Бугунги кунда таълим ва меҳнат соҳаларининг интеграциялашув жараёнларида таълим кластерини қўллаш зарурати ошиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, таълим кластери таълим муассасаларини

ривожлатниришнинг инновацион шакли ҳисобланади ва у ижтимоий буюртма талабларига жавоб берувчи талабалар компетенциявий ривожланишини таъминлайди.

## ХУЛОСА

Таълим маконини кластерлаштириш таълимни замонавийлаштириш ҳамда таълим тизимини комплекс модель асосида қуришга имкон яратади: у ўз ичига концептуал (мақсадлар, методлар, шакллар, воситалар ва б.), аксиологик (қадриятлар), психологик-педагогик (таълим олувчиларнинг қадриятларни ўзлаштириш механизмлари), ташкилий-бошқарув (тарбия тизимида бошқарув элементлари) компонентларини жойлаб олган бўлади.

Сўнгги 4-5 йилларда кластер тизимини шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим қисмига айланди.

Кластерли ривожланишнинг ютуқлари, назаримизда, қуйидагиларда кўринади:

- кластер ривожининг барча босқичларида ташкилий назорат таъминланади;

- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари таъминланади ҳамда кластер иштирокчиларининг дастлабки сарфламалари иқтисод қилинади;

- кластер иштирокчиларининг инвестициялари (сармоялари)ни йўқотиш хавфи камаяди;

- бюджет томонидан комплекс лойиҳалашни рағбатлантириш самарадорлиги ошади;

- юқори малакали персоналлар ротацияси (алмашинуви), мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яхшиланади;

- ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар фаолияти илмий асосланади ҳамда қамрови кенгаяди;

- худуднинг инвестицион жозибадорлиги ҳамда маҳаллий тушумлар кўлами ошади.

Демак, касбий таълимда инновацион педагогик кластерни қўллаш – бу таълим дастурлари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг бирлаштирилиши, қўшилишидир. Ишлаб чиқариш ассоциациялари томонидан юқори малакали мутахассисларни касбий таълим муассасаларида тайёрлашга буюртмалар шакллантирилади.

## REFERENCES

1. Портер М.Э. Конкуренция. –М.: Вильямс, 2003. -496 с.
2. Портер М.Э. Международная конкуренция. –М.: Международные отношения, 1993.
3. Кривых С.В., Макареня А.А. Педагогическая антропозология. Педагогика жизнедеятельности. –СПб.: ГНУ ИОВ РАО, 2003. -360 с.
4. Каменский А.М. Внутришкольный образовательный кластер// Режим доступа: <http://www.likt590.ru/about/director/cluster.pdf>
5. Трушников Д.Ю. Проектирование системы воспитания в университетском комплексе на основе кластерного подхода. –М.: МГПИ, 2011. –с.9.
6. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем//Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы X Международн. образовательного форума: ч.2 (Белгород. 24-26 окт. 2006 г.). –Белгород: БелГУ, 2006.
7. Краснорущая Н.Г. Образовательный кластер в инновационной инфраструктуре региональной системы профессионального образования/ Режим доступа: [http://kafedra-forum.narod2.ru/publikatsii/rol/krasnorutskaya\\_ng/](http://kafedra-forum.narod2.ru/publikatsii/rol/krasnorutskaya_ng/)
8. Трушников Д.Ю. Проектирование воспитательных систем: кластерный подход//Приоритеты воспитания. 2009, с.54-56; Смирнов Д.В. образовательный кластер как социокультурная среда дополнительного профессионального туристско-краеведческого образования педагога: монография. –Шуя, 2011.-190с.; Корчагин Е.А., Сафин Р.С. Образовательный кластер: взаимодействие вуза и предприятия. –Казань, 2012. -164 с.
9. Попов О.А. Кластерный анализ. Просто о сложном//Статистика в психологии и педагогике: <http://psystat.at.ua/publ/1-1-0-18>